

НЕМИС ТИЛИДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИГА ОИД ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ВА УНИНГ СТРУКТУРАЛ СЕМАНТИК МАЪНОЛАРИ

Юсупова Ирода Юсуповна

ЎзМУ, мутахасислиги 1 курс магистранти

Турақулова С.Т.

Илмий раҳбар: ф.ф.н., к.ўқ.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада концептнинг моҳияти, унинг лексик маъно ва тушунчадан фарқли томонлари таҳлил қилинди. Шунингдек “аёл” концептига оид фразеологик бирликларнинг семантик - луғавий маънолари таҳлил қилинди.

Калит Сўзлар: Концепт тушунчаси, “аёл” концепти, семантика, лексика, луғавий маъно.

EXPRESSION OF PHRASEOLOGICAL UNITS RELATING TO THE CONCEPT “WOMAN” IN GERMAN AND ITS STRUCTURAL SEMANTIC MEANINGS

Yusupova I. Y.

1st year master's degree in Linguistics (German)
at the National University of Uzbekistan

Zulxonov M. J.

Scientific adviser: Ph.D.,

ABSTRACT

This article analyzed the essence of the concept, its lexical meaning and aspects different from the concept. Semantic-lexical meanings of phraseological units related to the concept of “woman” were also analyzed.

Key Words: concept, “woman” concept, semantics, lexicon, lexical meaning.

Тилшунос учун энг муҳими тафаккур бирлиги бўлган концептнинг тилда (аниқроғи нутқда) акс этишини таъминловчи структуралар, ҳаракатлар, қоидаларни аниқлашдир. Концепт замонавий термин булиб, дастлаб фалсафа,

лингвистика, психология, адабиётшунослик, културология каби гуманитар фанларда қўлланилган. Концепт терминини замонавий илмда рус тилшуноси С.А.Асколдов илк бор қўллаган. У концептга “бу бир тур ёки бошқа турдаги тушунчалар ҳақида фикрлаш жараёнини ўзида акс эттирадиган бирликдир”³⁶ деб изоҳ берган.

Немис тилида “Frau” сўзи *mittelhochdeutsch vrouwe von althochdeutsch frouwa* “Herrin” 9 асрда *fro* “Herr” дан олинган. Синоним сифатида *Dame, Weib, Angetraute, Ehefrau, Ehegattin*, 17 асрда *Lady, Madam* қўлланилган³⁷. Бу сўз билан энг кенг тарқалган иборалар:

- Аёл, аёллар (*Die Frau, Die Frauen*);
- Эркаклар ва аёллар (*Die Frauen und Die Männer*);
- Қиз, ёш қиз, (*das Mädchen*).

Аёлларнинг кўп гаплиги тилдаги фразеологизмларда ифодаланган. Бу омилларнинг барчаси сухбатдошнинг фразеологизмларни қандай қўллай олишдаги билим ва кўникмалари билан боғлиқ. Масалан,

Ein Mann ein Wort, eine Frau ein Wörterbuch, (Эркак киши бир сўз, битта аёл эса бир луғатдир). Аёлларнинг кўп гапириши бутун бир луғатга қиёсланган. Бу хар бир миллатга хосдир, шу навбатда немис аёлларига ҳам тегишлидир. Ифода планига кўра услубий бўёқдор бирикмага тенг, ҳамда коннотатив маънога эга фразеологизмлар ҳам қўлланади. Аммо аёлларни характерини ифодаловчи шундай фразеологизмлар, мақол, маталлар борки, уларда аёллар тўғрисидаги фикрлар бўрттирилади. Масалан,

Eine Frau sagt mehr, als in allen Büchern der Welt geschrieben steht, (Битта аёл ҳатто дунёдаги барча китобларда ёзилгандан кўра кўпроқ гапира олади). Бу фразеологизмда ҳам аёлларнинг кўпгаплиги ифодаланган, аёлларнинг гапириш қобилиятини хатто дунёдаги барча китобларда ёзилгандек дея бўрттириб қиёсланган.

Wer seiner Frau alles erzählt, weiß wenig, (ким ўз аёлига кўп нарса ўргатса, ўзига ҳеч нарса қолмайди). Бу фразеологизмда аёлларга ишониб бўлмаслик ҳақида сўз юритилган яъни аёлларни кўпгаплиги, сир сақлай олмаслиги ушбу фразеологизмда ифодаланган.

Die beste Frau ist die, die nicht spricht, (энг яхши аёл бу ҳеч нима гапирмайдиган аёлдир). Эркаклар учун энг яхши аёл бу кам гапирадиган аёл ҳисобланади. Шундан келиб чиққан холда ушбу фразеологизм пайдо бўлган.

Das Haar einer Frau ist lang, ihre Zunge noch länger, (Аёлларни тили сочидан узундир). Ҳозирги кунда баъзи бир аёлларда кўп учраётган ҳолатлардан бири

³⁶ Каримов У.Н. Концепт тушунчаси ва унинг бадиий адабиётдаги моҳияти. ЎзМУ хабарлари, 2017. 416-417– Б.

³⁷ Duden Band 11 Redewendungen. Wörterbuch der deutschen Idiomatik, 2002. – S 207.

бўлиб, бу хатто фразеологизмда ифода этилмоқда. Ушбу фразеологизм бирикмага тенг, салбий маънога эгадир.

Frauen haben immer das letzte Wort, (Аёлларда доим охирги сўз бўлади). Аёллар ҳамма гапга ҳам сўз топа олишади, уларда доим охирги сўз бўлади. Бу аёлларга ҳос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Wo Frauen und Gänse sind, mangelt es nicht an Lärm, (Қаерда аёллар ва ғозлар бўлса, шовқиндан камчилик бўлмайди). Бу фразеологизмда аёллар ғозларга қиёсланган, характер жиҳатидан ғозлар бир хил темпда тинмай гапириши аёлларни кўпгаплигига ўхшатишган.

Drei Frauen und eine Gans machen einen Markt, (уч аёл ва бир ғоз қилади бозор). Аёллар ва ғозларнинг кўпгаплигидан бозор қилиши мумкин дея қиёсланган. Услубий бўйқдор, ифода планига кўра гапга тенг фразеологизм.

Сўнгги йилларда аёлларнинг роли асосан чекланган болалар ва уй хўжалигини тарбиялаш; у моддий жиҳатдан эрига қарам эди. Бу вазифалар доираси, албатта, фразеологизмларга киритилган эди, қуйидаги мисоллардан тасдиқланган:

Wie die Frau, so das Haus, (Аёлинг қандай бўлса, уйинг ҳам шундай бўлади). Бу фразеологизмда аёлларнинг уй юмушлари ҳақида сўз боради. Аёл киши тоза, озода бўлса уйи ҳам сариштали бўлади.

Wenn die Frau fleißig ist, steht das Glück an der Türschwelle, (агар аёлинг тиришқоқ бўлса, бахт остонангда туради) Бу фразеологизмларда жуда катта маъно бор. Аёлларни оилада роли катта, қайси оилада аёл киши тиришқоқ, меҳнаткаш бўлса, ўша оила мустаҳкам, бахтли бўлади.

Die Frau ist der Schlüssel des Hauses, (Аёл – уйнинг калитидир) Аёл бор жойда фаришта бўлади, тозалик, тартиблик ҳукм суради. Аёлларсиз уй-рўзғорни тасаввур қилиб бўлмайди.

Das beste Möbel in einem Haus ist eine tugendhae Frau, (уйнинг энг яхши мебели бу фазилатли аёлдир) Бу фразеологизмда ҳам аёл уйнинг бекаси еканлиги ифодаланган. Ифода планига кўра, гапга тенг денотатив маънога эга фразеологизм.

Die Arbeit einer Frau nimmt nie ein Ende, (Аёлларнинг ишини охири йўқ) Аёлларни иши тугамайди, буни уйда ўтирадиган аёллар айниқса яхши билишади. Бу фразеологизм денотатив маънога эга.

Бу фразеологизмларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда ўз маъносини йўқотган. Шунга қарамай, Кегеснинг айтишича, фразеологизмлар "гендер ролларини шакллантирди, гарчи улар муносабатларни акс эттиради, асрлар олдин яшаган

нутқ жамоаларини умумлаштириш керак эди”³⁸. Бугунги кунда ҳам тил умумий мулкнинг унчалик кичик бўлмаган қисмини ташкил этади. Мана баъзи мисоллар, уларнинг келиб чиқиши юқорида кўрсатилган.

Frauen machen aus Pfennigen Taler, Männer aus Talern Pfennige, (Аёллар тийиндан тоғ қилади, эркалар тоғдан тийин). Бу фразеологизм коннотатив маънода бўлиб, аёлларни тежамкорлиги, бирни икки қилишлари ҳақида бўлиб, (услубий бўйоқ) ижобий семаси билан қопланган.

Hinter jedem großen Mann steht eine kluge Frau, (Ҳар бир эркак ортида кучли аёл туради). Ҳар бир эркакни кучли бўла олишида уни онаси ёки аёли бўлади. Бу фразеологизм денотатив маънога эга бўлиб, ижобий сема орқали ифодаланган.

Die Frau ist der Hüter der Seele des Mannes, (Аёл эркак қалбини кўриқчиси). Ушбу фразеологизмда ҳам аёл ва эркак муносабатлари ёритилган бўлиб, аёл эркак қалбини эгасилиги, аёллар ўз ёрини қалби фақат уники бўлишини исташидан келиб чиққан. Бу фразеологизм ҳам (услубий бўйоқ) ижобий семаси билан ифодаланган.

eine alte Frau ist doch kein D-Zug – бу идиома Ҳанс Шеманнинг “Deutsche Idiomatik Wörterbuch der deutschen Redewendungen im Kontext” луғатида келтирилган, кекса аёл тезюлар поезд эмас яъни кекса аёлларни қобилиятдан келиб чиқиб уларни тез юра олмасликларидан шу маънони ифодалаб, салбий баҳо (услубий бўйоқ) семаси билан қопланган, гапга тенг идиома. Ушбу идиома денотатив маънога эгадир.

Аёлларни тавсифловчи фразеологизмларни текшириш шундай таассурот уйғотадики, аёлларнинг салбий хусусиятлари кўпинча фразеологизмларда контсептсияланган.

“Аёл” концептига оид фразеологизмларни ўз навбатида икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ концептуал белгилар, асосан, аёлнинг биологик мавжудот сифатида тавсифланиши билан боғлиқ (аёлнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ бўлган концептуал белгилар; аёлнинг ёши билан; аёл нутқи билан; аёлнинг психологик хусусиятлари; унинг ақлий қобилиятлари, маълумот даражаси, аёл-онанинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган белгилар), Иккинчисига асосан аёлни ижтимоий мавжудот сифатида тавсифловчи концептуал белгилар киради (аёлнинг оиладаги ролига хос бўлган концептуал белгилар; аёлнинг ўрни; оиладан ташқаридаги аёл тавсифи билан).

³⁸ Kegyes Erika „Das stereotype Bild der Frau in den Sprichwörtern. Ein interkultureller Vergleich“. In: Germanistische Studien VIII/2011, S. 150.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Каримов У.Н. Концепт тушунчаси ва унинг бадиий адабиётдаги моҳияти //ЎзМУ хабарлари, 2017. - №1/5 -Б. 416-417.
2. Duden Band 11 Redewendungen. Wörterbuch der deutschen Idiomatik, 2002.
3. Н. Schemann. Deutsche Idiomatik. Hubert & Co. GmbH & Co. KG, Göttingen. 2011. – S. 207.